Палата УзССР Е 2 1297

## МУСТАҚИЛЛИК, ҲУРРИЯТ, ОЗОДЛИК,

Инсоннинг табиий озодлиги — ер юзида ҳар қандай олий қудратдан эркин бўлиш ва ўзга инсоннинг иродаси ёки қонун чиқариш ҳукмига тобе бўлмаслик, балки аксинча, уни бошқариш учун фақат табиат қонунига молик бўлишдир. Жамиятда инсон озодлиги давлат томонидан розилик асосида таъсис этилгандан ўзга ҳеч бир қонун чиқарувчи қудратига тобе бўлмаслигидан иборатдир...

*Жон ЛОКК,*
*Британия файласуфи (1632—1704).*
*«Фуқаро Ҳукумати борасида» рисоласидан, 1690 й.*



## ИНСОН ЭРКИНЛИГИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

Табиий ҳуқуқлар — инсон мавжудлиги туфайли эга бўлган ҳуқуқлардир. Шулар қаторига барча интеллектуал ҳуқуқлар, яъни ақлий ҳуқуқлар ҳамда шахс ўз қулайлиги ва бахти йўлида ўзгаларнинг табиий ҳуқуқларига зарар етказмайдиган тарзда қўлловчи барча ҳуқуқлар киради.

*Томас ПЭЙН,*
*америкалик сиёсатшунос, назариётчи ва ёзувчи (1737—1809).*
*«Инсон Ҳуқуқлари», 1792 й.*

*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 8 ноябрь, шанба № 131 (22.214).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

# ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда. 7 ноябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Озодлик» (Прага) радиостанцияси мухбирлари Замира Эшонова, Фурқат Яқвалхўжаев ҳамда Буюк Британиянинг Би-Би-Си радиостанцияси Тошкент бюроси мухбири Паҳлавон Турғунов билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари журналистларга мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг бориши, улар бераётган дастлабки самаралар, одамлар тафаккурини ўзгартириш борасида қилинаётган ишлар хусусида батафсил сўзлаб берди. Иқтисодиётни янги асосларга ўтказиш, жамият ҳаётини ислоҳ қилиш, демократия тамойилларини қарор топтириш осон кечмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Тараққиёт йўлидан борилар экан, бу ҳаракат давомида турли муаммолар, саволлар туғилиши табиийдир. Ошкора мулоқот чоғида Президент ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар хусусида тўхталиб, уларни амалга ошириш йўллари борасидаги фикрларини баён этди.

Журналистлар самимий суҳбат учун миннатдорлик билдириб, мазкур учрашув дунё жамоатчилигига Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар моҳиятини етказишда муҳим омил бўлишини таъкидладилар.

Учрашувда Президентнинг матбуот котиби М.Муҳаммад Дўст, Президент девони ахборот маркази раҳбари С.Ҳакимов қатнашди.

**Суратда: учрашув пайти.**

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

(ЎзА).

### Обуна-98

### ИЛҒОРЛАР ВА ФАХРИЙЛАР УЧУН

***Аъзам Бўриев раислик қилаётган Фарғона вилоят «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси бошқаруви шу тизимдаги корхоналарнинг илғор ишчилари, меҳнат фахрийларини 50 дона «Ўзбекистон овози» газетасига бепул обуна қилдиришга қарор қилди. Бирлашма бошқаруви бунинг учун 200 минг сўмдан ортиқ пул ажратди.***

А. ИБОДИНОВ.

### ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ

***«Қизилқумцемент» корхонаси бош директори, республика Олий Мажлиси депутати Ўктам Рўзиқулов ташаббуси билан юз нафар илғор ишчи «Ўзбекистон овози» газетасига бепул обуна қилинди.***

Музаффар ШАРОПОВ.

### БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

***«Интернет» ахборот тизимининг хабарига кўра ислом тараққиёт банки Тожикистонга имтиёзли равишда 19 миллион доллар миқдорида маблағ ажратди. Бу ҳақда ушбу банкнинг раиси Аҳмад Муҳаммад Али Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан учрашувдан сўнг баёнот берди. Ушбу маблағлар, деди у, 23 та умумтаълим мактабини таъмирлаш ва бунёд этишга ишлатилади. Бундан ташқари Душанбе шаҳрининг марказида 8 миллион долларлик кардиология маркази қурилишига ҳам маблағ ажратилади. Айни пайтда деди Али, Тожикистонда банкнинг эксперт гуруҳи ишлаб турибди. Бу гуруҳ йўллар ва медицина муассасаларини бунёд этиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини ўрганишмоқда. Банк раисининг таъкидлашича, яқин ойларда Душанбе-Калайхуб автомобиль йўли қурилишига сармоя ажратиш имкониятларини ўрганувчи мутахассислар гуруҳи Тожикистонга юборилади.***

* * *

***Агар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «Толибон» ҳаракати вакилларининг талабларига биноан шимолий Афғонистондаги аэродромларни назоратга олганда эди, толибларга қарши иттифоқни камситган бўларди. Бу ҳақда БМТнинг Афғонистондаги махсус гуруҳи раҳбари Норберт Холль баёнот берди. Афғонистон аэродромларида назорат ўрнатишни йўлга қўйиш зарурлиги ҳақида толибларнинг раҳбари Мулла Муҳаммад Умар айтган эди.***

* * *

***Исроил авиация компаниясининг Европага учиб кетаётган самолёти Иордания ҳудудидаги Акаба аэропортига биринчи бор келиб қўнди. Шу билан Акаба ҳаво дарвозасидан фойдаланиш бўйича Исроил-Иордания қўшма лойиҳасининг тўрт ойлик синови бошланди. Бундан мақсад — Исроилнинг Эйлате шаҳридаги аэровокзалнинг вазифасини енгиллаштириш.***

* * *

***Ливанга давлат ташрифи билан борган Италия Президенти Луиджи Скальфаро мамлакат жанубида мухолифатдаги «Хезбаллах» ташкилоти раҳбарлари билан учрашди. Италия раҳбарининг Ливандаги барча сиёсий оқимларнинг вакиллари билан учрашуви бир-бирига ишончни кучайтиришга хизмат қилиши мумкин, деб баҳоланмоқда.***

* * *

***Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев мамлакат пойтахтини Акмола шаҳрига кўчириш режасини қайта кўриб чиқди. Энди шу муносабат билан ўтказиладиган тантанали тадбир белгиланган вақтдан эртароқ, яъни 10 декабрда эмас, бугун, 8 ноябрда амалга оширилади. Ҳозирча Н. Назарбоевнинг матбуот хизмати вакиллари бу ўзгаришга изоҳ бергани йўқ.***

***Қозоғистоннинг вазирлик ва идоралари янги пойтахтга кўча бошлади. Давлат байроғи ва Президент штандарти эса 8 ноябрь куни Акмолага келтирилади.***

### ВАТАН ХАРИТАСИ

***«Жаҳон» ахборот агентлигининг хабар беришича, шу йилнинг 4 ноябрида ЮНЕСКО Бош Конференциясининг Парижда ўтган 29-сессиясида Ўзбекистон биринчи бор мазкур баобрў халқаро ташкилот Ижроия Кенгашининг аъзоси этиб сайланди.***

***Ижроия Кенгаши ЮНЕСКОнинг Олий органи — Бош Конференция сессиялари оралиқ давридаги раҳбар орган ҳисобланади. У 58 давлат вакилларидан иборат бўлиб, тўрт йилга сайланади.***

* * *

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида савдо соҳасида тартиб ўрнатиш масаласига бағишланган йиғин бўлиб ўтди. Унда бозорлардаги аҳвол жиддий таҳлил этилди ва мавжуд хато-камчиликлар юзасидан фикрлар билдирилди.***

* * *

***Мамлакатимиз Президентининг фармойишини амалга оширишга оид тадбирлар доирасида фаолият кўрсатилиб, Андижон вилоятида камхарж оилалардан тўрт минг нафаридан ортиқ 1—4 синф ўқувчиларига иссиқ кийим ва пойабзаллар текинга берилди.***

* * *

***Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан республикамизда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ташкил этилганига бир йил тўлди.***

***Шу муносабат билан жамғармада «Журналист ихтисослашуви: тажриба ва таклифлар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда бугунги кунда ўзбек журналистикаси олдида турган долзарб вазифалар, хусусан, журналистларнинг алоҳида соҳалар бўйича ихтисослашуви билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.***

***

***Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида шу йилнинг 28 октябрида республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилнинг 9 ойида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлисида ўртага қўйилган вазифалар, жорий йилнинг 9 ойи давомида давлат бюджетини бажариш кўрсаткичлари, молия тизими ходимлари олдидаги асосий вазифалар муҳокама қилинди.***

***

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг мажлиси бўлди. Унда кенгашнинг 9 ой мобайнидаги иш якунлари ҳамда ана шу даврда назорат органларининг текшириш юзасидан белгиланган режаларнинг қандай бажарилгани кўриб чиқилди, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.***

# ДЎКОНДАН ДЎКОННИНГ ФАРҚИ БОР

Тошкент вилоятининг «Матбуот тарқатиш» акционерлик жамияти 152 та «Рузномалар» дуконига эга. Бу дуконлар орқали мустақил республикамиздаги янгиликлар, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, халқимизнинг кундан-кунга яхшиланиб бораётган ҳаёт тарзи, шу куннинг долзарб масалалари, чет эл хабарлари, қардош республикалар халқларининг ҳаёти, халқаро алоқалар билан яқиндан таништириб бораётган рузнома ва ойномаларни вилоят аҳолисига уз вақтида етказиб бериш бизнинг асосий вазифамиздир. Шу билан бирга халқимизнинг маънавий оламини бойитишга ҳам ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Бундан кейин бу борадаги ишларимизни янада яхшилаш, мухлисларимизнинг сонини бунданда ошириш мақсадимиз бор.

Лекин бир қатор туманларда бу масалага панжа орасидан қараш сиёсати бормоқда, номақул ишлар рўй бермоқда ва бундай ҳоллар бизнинг хайрли ишларимизга путур етказмоқда.

Чунончи, Чирчиқ шаҳар ҳокимияти «ташаббуси» билан марказий дуконларимиздан бири шаҳар чеккасига, коммунал хўжалик идораси ҳовлисига элтиб ташланган. Яна бир дукон бозор олдида жойлашган булиб, яхши фаолият кўрсатиб турган эди. Шу йилнинг август ойида уни ҳам бошқа — аҳоли кам жойга кучиришди, натижада номаълум шахслар томонидан ушбу дукон ёндириб юборилди. Шу йилнинг сентябрь ойида «Оқковоқ» марказий бекатидаги «Рузномалар» дукони шаҳар ички ишлар булими ҳовлисига элтиб қуйилди. Юқорида кўрсатилган уч ҳолатда Чирчиқ туманлараро «Матбуот тарқатиш» акционерлик жамияти дуконларни кучириш зарурлиги ҳақида кўрсатма олмаган. Оқибатда 3 та дукон ва ичидаги мол-мулк талон-торож қилинган. Жумладан, шаҳар ИИБ ҳовлисига қуйилган дукон ичидаги мол-мулк сақланадиган темир сандиқ, электр ўлчаш ускунаси

### Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ўгриланган, ҳатто ойналари ҳам ечиб олинган. Коммунал хўжалик идораси ҳовлисидаги дукон эса таг-туги билан йуқ булган.

Чирчиқ туманлараро акционерлик жамияти бозор олдидаги дуконни яна жойига ўрнатиш масаласида ҳокимиятга мурожаат этган, ҳатто шаҳар ободонлаштириш бошқармасига зарур миқдорда пул ўтказган эди. Шунга қарамай, аввал «Рузномалар» дукони турган жойда тижорат дукони очилган.

Чирчиқ туманлараро акционерлик жамияти раҳбарияти шаҳар ҳокимиятига ва шаҳар бош меъморига бу ҳолатлар юзасидан бир неча марта ёзма ва оғзаки тарзда мурожаат этган. Ҳоким муовини бунда «Дуконларингизни кранда олганимиз учун раҳмат денг, бульдозер билан суриб ташлашимиз ҳам мумкин эди», деб жавоб берган.

Шаҳар ҳокимияти вакиллари томонидан қилинган бу номақулчилик натижасида акционерлик жамияти қанча моддий зарар кўргани, дукончиларнинг ишсиз қолганини айтмайсизми? Энг асосийси, рузнома ва ойномаларда ёритилган шу куннинг долзарб масаласи кўпчилик рузнома ихлосмандларига етиб бормай қолди.

Бундай ҳодисалар Тошкент вилоятининг Ғазалкент, Янгийул, Олмалиқ шаҳарларида ҳам рўй бермоқда. Масалан, Ғазалкент бозори олдида яхши ишлаб турган дукон шу тариқа кучирилиб, унинг ўрнида ҳам тижорат дукони очилган.

Ахир рузнома ва ойномалар билан одам гавжум жойларда савдо қилиш керак. Дукон кучирилиши зарур булган тақдирда акционерлик жамиятига мурожаат этиш ва янги жой кўрсатиш зарур. Шунда акционерлик жамиятининг ўзи кучириш ишларини амалга оширади. Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, ҳамма туманларда дукон ўрнатилган жой учун «ер солиғи» тўланган. Бошқа солиқлар ҳам вақтида тўлаб борилмоқда, лекин талон-торож қилинган, таг-туги билан йўқолиб кетган дуконларга кетган харажатларни ким тўлайди? Дукон ичидан ўгриланган мол-мулкни-чи ким тўлайди?

Ҳукуматимиз олиб бораётган оқилона сиёсатни халқга етказувчи рузнома ва ойномалар савдосига муносабат яхши томонга ўзгарадими ёки тижорат дуконлари афзалроқми?

**Р. ИСРОИЛОВ,**
**Тошкент вилояти «Матбуот тарқатиш» акционерлик жамияти бошқаруви раиси.**

*Ватанни севмак иймондандур!*

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета [ ] Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

| Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| | Баҳоси | сўм | |

1998 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

# ЎЗ ДАВРИНИНГ ФАРЗАНДИ ЭДИ

Зимистон уйдан чиққан одам ёруғликка қуниккунча кўзи қамашиб ҳеч вақони кўра олмайди. Худди шунга ўхшаб, Мустақилликка чиққач, бир майдон шошиб қолдик. Мана, энди яқин ўтмиш, шўро тузумининг исканжаси, ўша сиёсат, унинг асорат ва йўқотишлари ҳақида бир қадар муфассал фикр юритиш имконият, эпчиллигу ишчанлик, талабчанлик сезилиб турарди. Шунинг учун у қайси лавозимда ишламасин, тезда кўзга ташлана бошлади. Унинг фикрлаш қобилияти ва тафаккур дунёси кенг бўлиб, ҳар ишга ижодий ёндашар, дўстларга содиқ, одил ва кечирувчан эди.

Шароф Рашидовнинг «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси боқарувининг раиси сифатидаги фаолиятини яхши биламиз. Адиб раҳбарлигида чиққан газета ўша кезларда тили ўткир, диди юксак, энг ўқишли нашр эди. Унинг жонкуярлиги туфайли адабиёт ривож топди. Кўпгина қаламкаш ёшлар катта ижодга кириб келдилар. Шароф Рашидовнинг ўзи ҳам давр билан ҳамнафас руҳда замондошлари ҳаётидан шеърлар, қиссаю романлар ёзишга киришди ва бу соҳада ҳам чарчоқ билмади.

Ўроллга газ юбориб, таппи ёққан ўзбегим, деган гаплар ўша даврдан қолган. Пахта яккаҳокимлиги ҳам ўша йилларда юзага келган. Бунга, биринчидан, Марказ зуғуми сабаб бўлган бўлса, иккинчидан бу — республика раҳбарининг мавжуд имкониятларни инобатга олмай, Компартияга, Москва юлдузига садоқатини намойиш этиш учун бўлган интилиши оқибати эди. Негаки, юқорининг кўрсатмасини бажариш шараф ҳисобланар эди.

Шу вазиятда зилзилада вайрон бўлган Тошкентни қайта тиклаш, кўп миллионли харажат эвазига Марказий Осиёда биринчи Тошкент ер ости поезди йўлини қуриш, Халқлар дўстлиги саройидай, тарих музейидай кошоналарни барпо этиш осон эмас эди, албатта.

Қадриятларимизни йўқотиб қўймаслик, сўниб бораётган она тилимизга жон киритиш ҳақида ҳам Шароф Рашидов кўп ўйлар эди. Кунларнинг бирида у киши мени ҳузурига чақириб, «Ёпиб қўйилган «Гулистон» журналини қайта тикламоқчимиз. Шу журнални сизга топширсак, нима дейсиз?» деб сўраб қолди. Таклифга рози бўлдим. «Гулистон» журналини бутун жамоа бир ёқадан бош чиқариб тамомила оҳорли, соф ўзбекча, яхши қоғоз, венгер бўёғида чиқардик. Биринчи сонидаёқ қадриятларимизни қадрлаб, улуғ бобокалонимиз Амир Темур, Улуғбек, Беҳзод каби ўлмас сиймолар ҳақида ҳикоя қилдик. Чўлпон, Абдулла Қодирий, Беҳбудийлар ижодидан намуналар бердик. Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим», Абдулла Ориповнинг «Юзма-юз», Расул Ҳамзатовнинг ўта миллий «Менинг Доғистоним» асарларини эълон қилдик. Халқ орасида умид пайдо бўлди. «Темур тузуклари» чоп этилганда эса журнални одамлар кўзларига суртдилар. Аммо бу тонгги қуёшга тош отувчилар ўзимизда ҳам, ташқарида ҳам кўпайиб кетди. Тожикистонда чиқадиган «Садои Шарқ» журнали икки халқ орасини бузувчи мақола чоп этгач, Шароф Рашидов мени Тожикистон раҳбарлари билан учрашиш учун Душанбега юборди. Аввал республика раҳбари Расулов ҳамда шоир Мирзо Турсунзода билан учрашдим, кейин Абулқосим Лоҳутийнинг юбилей кечасида сўзга чиқдимда, ўзбек-тожик икки тилли, бир дилли, туғишган халқ эканини, ўзбек шоири Ғафур Ғуломнинг номи ўзбекча, фамилияси тожикча, тожик шоири Мирзо Турсунзоданинг исми тожикча, отасининг номи эса ўзбекча эканини мисол келтирдим. «Ўзбек-тожик ана шундай чатишиб кетган. Помир тоғини қўлтиқлаб, океандан ҳатлаб олиб ўтиб бўлмаганидай икки халқнинг бу азалий дўстлигини ҳам бузиб бўлмайди!» дедим. Ҳамма, шу жумладан, Тожикистон раҳбарлари ҳам бу гапларни очиқ чеҳра билан қабул қилдилар. Аммо давр нозик эди. «Тиниб-тинчимас»лар «миллатни уйғотадиган бош муҳаррир»ни «пастдан юқори» кўтариб, «Литературная газета» мухбирлигига ўтказиб юбориш билан тинчландилар.

Давлат, партия ва жамоат ишлари билан беҳад банд бўлишига қарамай, шоир қалби, ёзувчи идроки уни тинч қўймасди, у тинмай ижод қилар, бадиий ижодни салмоқли давлат ишлари билан бир вақтда ва баб-баравар олиб бора биларди. Ана шу ўзига хос хислатлари билангина у ўз замондошлари ҳақида, ўзи кўрган, ўзи билган ва бевосита иштирок этган воқеаю ҳодисалар ҳақида «Ғолиблар», «Кашмир қўшиғи», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», «Дўстлик байроғи» каби шеърий китоблар, қисса ва романлар ёзди. Албатта, бу асарларнинг аксарияти ўз умрини коммунистик мафкура ва унинг одамни оқ-қорага ажратувчи синфий ғоялари билан боғлаган эди. Комфирқа Марказий Қўмитаси қўлида бўлиб, иттифоқдош республикалар ўртасида ҳам тенглик йўқ эди, унда «катта оға» деб ном олган хўжайин бўлиб, барча бойлик уларнинг хазинасига — Москвага оқиб борарди. Бунга зиғирча эътироз билдирган, салгина мустақил иш қилган республикалар раҳбарлари дарҳол «Чет эл агенти» ҳисобланиб, ўз «республикасини СССРдан чиқариб, четга сотмоқчи» дейилиб, ҳибсга олинар, суд қилиб-қилинмай отиб ташланарди. Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевларнинг сабабсиз отиб ташланиши фикримизга далилдир. Умуман, шўро тузуми раҳбарларининг биронтаси яхшиликча ишдан кетган эмас. Ким қулоғини қимирлатган бўлса, «урилди», турли хил усулларда бадном этилди. Ким ўзини бу ишлардан тийса, садоқат кўрсатса, мансаб, мартаба, унвонлар билан сийланди, умргузаронлик қилди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Шароф Рашидов ўша тузумга садоқат билан хизмат қилганлиги ҳеч кимга сир эмас, у сиёсий бюро аъзолигига номзод, икки марта қаҳрамонлик унвони билан тақдирланган эди. Аммо империяпараст мустамлакачилик раҳнамолари ва унинг маддоҳлари на буни, на Рашидовнинг садоқатини қадрига етгани йўқ. Шароф Рашидов ҳаётдан кўз юмгач, кўп ўтмай унинг ўзига ҳам, ғўрига ҳам тош отдилар, Москванинг буйруғи билан республика Компартияси Марказқўмининг машъум XVI пленуми чақирилди, Рашидовнинг

**Хотира**

юзига лой чаплаб, ўзбек халқининг мисқоллаб йиққан обрўйини тўкдилар, минг йиллик тарихини қора бўёққа бўяб қўйдилар. Собиқ биринчи котибнинг кечаги дўстлари бирдан душманга айланиб, оқни «қора» деб туриб олдилар. Ўша кезлар «Муштум»да чиққан Зоҳиджон Обидовнинг «Арслоннинг ўлими» масали ана шуларга халқ ғазаби ўтининг бир учқуни эди.

Республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари масал «қаҳрамон»ларини ўзлари деб билиб, мени Рига соҳилидаги ижод уйидан лўкиллатиб чақириб олишди, бюро исканжасида сўроққа тутиб, «Нега бизни қашқир дединг?» дея дағдаға қилишди. Охир-оқибат, ариза ёзиб «Муштум»нинг бош муҳаррирлигини топширдим.

Яқин ўтмишимизга хос фожианинг бир кўриниши ана шундай. Негаки, шўро давлатининг ўзи Октябрь фожиаси билан бошланиб, зулм-зўровонлик, қатағонлик асосига қурилган эди. Улар «синфсиз жамият қурамиз» деб ишчилар синфидан бошқасини биринкетин йўқотишга киришган. Деҳқонларнинг энг илғор қисми «қулоқ» қилиниб, синф сифатида тугатилди. Ўрта ҳолларни «саботажчи»ликда айблаб, қўлини қирқди. Зиёлилар «миллатчи»лик кишанида аваҳталарга ташланди, «учлик» ҳукми билан сўроқсиз отиб ташланди. Донишмандлар руҳонийлик, ишбошилар «халқ душмани» ниқоби остида йўқ қилинди. Донолар «космополитизм» занжирида кишанланди. Она тилимиз таҳқирланди, таъқибга учради. Собиқ СССРдаги барча миллатларни бир қолипга солиб, «совет халқи» деб юрита бошладилар.

Не тонгки, халқимиз бошига бахт қуши қўниб, мустақилликка эришдик. Мустабидлик замонида яшаб фаолият кўрсатган халқимизнинг таниқли фарзандларига, уларнинг ютуқ ва камчиликларига холис баҳо бериш имконияти яратилди. Улар орасида давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи ва журналист Шароф Рашидов ҳам бор.

**Иброҳим РАҲИМ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

***Хатлар***
***Хатлар***
***Хатлар***

## *БИБИХОНИМ ХОТИРАСИ АБАДИЙЛАШТИРИЛСА...*

1941 йил, июнь ойи. Уруш бошланиши арафасида улуғ соҳибқирон Амир Темур билан бир қаторда унинг ўғиллари ва севимли набираси Мирзо Улуғбекнинг қабрлари «илмий ўрганиш» баҳонасида очилганлиги (тўғрироғи, таҳқирланганлиги!) бизга маълум. Айни ўша машъум кунларда яна бир покиза руҳ ҳам безовта қилинганлигини эса ўнлаб йиллар беркитиб келинди. Ҳатто ўша вақтларда бу ҳодисани билганлар ҳам лоақал «Искандарнинг сочини олган сартарош»чалик бўлолмадилар. Бу — буюк жаҳонгирнинг умр йўлдоши, тарихда Бибихоним номи билан машҳур бўлган Сароймулкхоним қабри (мақбараси)нинг очилиши эди. Тарихни тепкилаш, марҳумларни таҳқирлаш шу даражага бориб етганки, Турон соҳибфармони Амир Темурнинг бош чаноғи Россияга, Турон маликаси Бибихонимнинг мумиёланган жасади эса, тоштобути билан Тошкентга олиб кетилган. Бибихоним мақбараси қарийб етти йил — (1941—1948 ) эгасиз, бум-буш қолган ва шунча муддат Турон замин маликасининг жасади Тошкентдаги «Амалий санъат музейи»да(!? ) эътиборсиз қолиб кетган.

Тоштобути билан жасаднинг ўз ўрни — Самарқандга қайтарилиши воқеасини билишга қизиққанлар Хуршид Давроннинг «Самарқанд хаёли» китобига мурожаат қилишар.

Ўша вақтда музейнинг зах хонасидаги тоштобут ва жасадни кўриб, ҳеч бир мутасадди «Ахир, бу — Ватанимиз тарихи, мозийдан улуғвор нидо-ку!» дея айтмаган. Лекин шу дамда менга бир ўй таскин бўлгудек:

«Яхшики, ўша давр манқуртлари Бибихоним жасадини ўтмиш сарқитига йўйиб, мафкурага зид санаб, ўтда қуйдириб юбормабдилар. Ахир, ундайлардан ва ўша давр сиёсатию сиёсатдонларидан ҳар нокасликни кутса бўларди!..»

Аллоҳга ҳисобсиз шукрлар бўлсинким, шаклан қизил мафкуранинг мазмунан қора сиёсати тугаб, эмин-эркинликка, мустақилликка етиб келдим. Шунинг ўзи катта бахт! Тарихимизга, ўзлигимизга холисанилло назар ташлаётганимизнинг ўзи ҳам бир неъмат! Биргина соҳибқирон Амир Темур хотираси эъзозланиб , пойтахтдаги 155-мактабга, (собиқ Энгельс) кўчага, метро бекати ва хиёбонга унинг табаррук номи берилганлиги, муҳташам ёдгорлик урнатилиб, сарой янглиғ музей ташкил этилиши нафақат ўзимизда, балки дунё жамоатчилиги наздида катта эътибор топганлиги айни ҳақиқат! Шундан келиб чиқиб, камина анча вақтдан бери қалбимда тугун бўлиб турган бир таклифни баён қилсам. Яъни «Правда востока» номи билан юритилувчи кўча Турон маликаси хотирасига **«Бибихоним кўчаси»**, деб қайта номланса. Бу — энг аввало, биз юқорида тилга олган ва ярим аср олдин рўй берган ножўя ҳаракатлар учун Бибихоним руҳи олдидаги узримиз бўларди. Қолаверса, бу — «Правда востока» кўчаси бир тарафдан «Буюк Турон» кўчаси билан, бир томондан эса, «Мовароуннаҳр» кўчаси билан туташ бўлиб, «Мовароуннаҳр» кўчаси эса, «Амир Темур хиёбонига» туташган. Хиёбоннинг у томонидан бўлса, «Амир Темур» кўчаси бошланади. Бир сўз билан айтганда **«Буюк Турон», «Бибихоним», «Мовароуннаҳр» ва «Амир Темур»** номларидан иборат ўзига хос уйғунлик вужудга келади.

Юқоридаги таклиф муштарийлар, кенг жамоатчилик ва пойтахт ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланишини истардим.

**Дилмурод САЙЙИД,**
**журналист.**

**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

## «ЭШИГИНИ ЎРИНДИҚЛАР ТЎСГАН АВТОБУС»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 25 октябрь сонида эълон қилинган «Эшигини ўриндиқлар тўсган автобус» номли танқидий мақола «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси раҳбарияти ва 12-автокорхона жамоасининг кенгайтирилган мажлисида кўриб чиқилди.

Мақолада эълон қилинган фактлар тасдиқланди ва қуйидаги ишлар амалга оширилди.

84—11 ТНБ рақамли «ЛАЗ — 677» русумли эскирган автобус тўхтатилди ва муфассал таъмирлаш учун автосозлаш заводига юборилди.

Бундай автобусни йўналишга чиқарган ходимлар жазоланди. Жумладан, навбатчи механик ва автожамланма бошлиғига ҳайфсан эълон қилинди, ҳайдовчига эса ойлик маошининг 20 фоизи миқдорида жарима солинди.

**Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари**
**Ш. МУҲАММАДЖАНОВ.**


АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

**Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.**

**Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.**

**Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.**

**Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.**


## УЗУМДАН МЎЛ ҲОСИЛ

***Пойтахт вилоятдаги Тошкент тумани боғбонлари 10 минг тонна узум топшириб, йиллик режани икки баробар бажардилар. Бу муваффақиятга Охунбобоев, Навоий, Турғун Мирзаев, Ғиёс Умаров номли ва «Ҳасанбой» жамоа хўжаликларининг боғбону соҳибкорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.***

***Айниқса, Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги соҳибкорлари юқори кўрсаткичга эришди. Улар 288 гектар ҳосилга кирган токзордан 5200 тонна узум топширдилар. Ҳар гектар ердан 250 центнердан сара узум олинди.***

***Туман соҳибкорлари бу ютуққа агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширганликлари туфайли эришди. Ҳозирда келгуси йилда ҳам илғорликни қўлдан бермаслик учун токларни кесиб, кўмиш ҳамда маҳаллий ўғитлар билан тўйинтириш ишларига киришдилар.***

**Юнус ЗИЁДОВ.**

**Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!**

## ХИЁНАТКОР ХАЗИНАЧИ

Яхшимурод бундоқ ўйлаб қараса, Пешку туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида хазиначи бўлиб ишлаётганига роппа-роса бир йил бўлибди. «Нима орттирди ўзи. Халталаб пул келтирса, уни колхўзчига топширса. Баъзан кўпдан қолиб турса ҳам, қорни тўйиб, тишини ковлаб юрган бўлса ҳам бошқа хазиначилардай эмасда! Ишқилиб ҳар куни бўлмаса ҳам кунора банкка бориб туради, пул дегани эса анқонинг уруғи эмас, фақат каллани ишлатиш керак, лапашанг!»

Яхшимурод Муродов калласини ишлатди: 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа пули беришдан фойдаланиб қолса, ким ҳам унинг «операцияси»ни пайқарди. Мана, бухгалтер 4675338-рақамли чекка қўл қўйиб, 40000 сўм пулни олиб кел, дея уни банкка жўнатдику?! Шундан озгинасини эпласа, ҳамирдан қил суғургандек иш эмасми? 1997 йил февраль ойида у шунча пулни хўжаликнинг ўн олти ёшгача бўлган оилаларига тарқатиш чоғида ошиғи олчи бўлди. Жамоа хўжалигининг 3-бригадасида ишловчи Олима Сирожева, Малоҳат Чориева, Сожида Шодиева, Гулнора Сафарова, Шарофат Зоирова, Саодат Бердиева, Шавкат Муҳаммедовга берилиши лозим бўлган 5277 сўм нафақа пулини ведомостга ўзи имзо қўйиб олса бўладими. Мана, мансабнинг унга берган луқмаси! Пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб, ведомостни 1997 йил февраль ойи ҳисоботи билан хўжалик бухгалтериясига топширган хиёнаткор хазиначи Яхшимурод Муродов оқ туя кўрдингми — йўқ қабилида фаолиятини давом эттираверди.

Энди бу ёғини эшитинг. Худо шарманда қиламан деса бандасига йўл бўлсин. Қишлоқ аёллари меҳнаткаш бўлади, кўпинча «катта»ларнинг гапига ишонишади. Аммо қўли калта бўлса, зорланиб қолса, жамоа хўжалигига — бошбухга югуришади. Болаларнинг нафақа пули бериларкан деган хабарни эшитган 3-бригаданинг 7 нафар аёли уч ой хазиначини пойлашди, аммо на 1996 йилнинг октябрь ойи нафақасидан, на хазиначидан дарак бўлди. Охири улар биргалашиб жамоа хўжалиги идорасига боришди, бош ҳисобчи Шоназар Хўжаевга арз қилишди. Бош ҳисобчи ведомостни варақларкан хуноби ошиб:

— Мана, сизларга пул тарқатилган! Нега ёлғон гапириб бошимни қотирасизлар, — дея аёлларни қойиди.

Аёллар не кўз билан кўришсинки, улар имзоси сохталаштирилган. Бўлди томоша, хазиначининг сири очилди-қолди. У ҳамма қилмишини бўйнига олди. Эртасига — 5 май куни аёлларга нафақа қайтарилди. Шу билан қозон ёпиғлигича қолмади, уйдаги гап кўчага чиқди: айбдор жазосини олиши керак!

Ҳа, айбдор жазосини олди. Боймурод Орипов раислигида ўтган Пешку туман суди ўзгалар ҳақини уч ой давомида ўзлаштириб юрган, болалар ризқига кўз олайтирган Я. Муродовга нисбатан тегишли жазо чорасини белгилади. Ҳадисларда таъкидланганидек, ўзгалар ҳақини ейиш энг оғир гуноҳдирки, уни Оллоҳ сира кечирмайди. Яхшимурод эса буни кеч тушунди. Энди пушаймони жой тутмайди, эл лаънатидан эса қочиб қутулолмайди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

**Ижевскда VI умумудмуртия съезди бўлиб ўтди. Унда удмуртларнинг ижтимоий-маданий ривожланиши истиқболлари кўриб чиқилди. Анжуманда 419 нафар вакил қатнашган. Удмуртия Республикаси халқ хўжалиги мажмуининг иқтисодий мустақиллиги, телевидениеда маҳаллий тилдаги кўрсатувларни кўпайтириш, финугор республикалари ва давлатлари билан маданий алоқаларни кучайтириш каби масалалар муҳокама этилди.**

***

**Чеченистон вазирлар маҳкамасидаги мажлисда ҳукумат аъзолари таркибидаги янги истеъфолар маълум қилиниши кутилмоқда. Президент Аслан Масхадов ўрнига президентлик ваколатларини вақтинча бажариб турган Шомил Басаев шундай қарор қабул қилганини хабар беради «Интернет». Вазифасидан четлаштирилган вазирларнинг исм-фамилияси ҳозирча маълум эмас.**

***

**Молдова АҚШга 21 дона энг янги «МИГ — 29 С» русумидаги ҳарбий самолётларни сотди. Бу самолётлар АҚШ ҳарбий экспертлари томонидан мудофаа қудратини кучайтириш мақсадида ўрганилади. Аввалдан маълум қилинган бўлсада, Россия бундай савдо-сотиққа қаршилик кўрсатмаган. Барча самолётлар қисмларга бўлакланган ҳолда АҚШ юк самолётларида Америка ҳудудига келтирилган. Улар ядро қуролларини ҳам қўллашга мўлжалланган. АҚШ ҳарбий учувчилари Молдова «МИГ»ларини ҳаво ҳужумини қайтариш ўқув машқларида синаб кўришмоқчи.**

Жэк ДОНЕЛЛИ

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НИМА ДЕГАНИ?

***Халқаро миқёсдаги масала мақомидаги инсон ҳуқуқлари***

Совуқ урушдан кейинги дунё муҳитида ер узра барча минтақаларда деярли барча давлатлар тараққиётнинг қай даражасида турганидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларига нисбатан ўз мажбуриятларини эълон қилмоқда. Сиёсий эркинликлар бериш ва жамиятни демократиялаштиришнинг тобора авж олиши билан борган сари кўпроқ ҳукуматлар ўз халқи томонидан ва ташқаридан мазкур мажбуриятларга мувофиқ равишда иш тутишга ундалмоқда. Ҳозирги дунё шароитида қонунийлик инсон ҳуқуқларини қўпол бузиш ҳоллари ҳукмрон тузумнинг давлат халқаро миқёсдаги қонунийлигини савол остига қўйиши кенг миқёсда қонуният тусини олмоқда.

Бундай вазият тарих нуқтаи назаридан ўхшаш мисолга эга эмас. Инсон ҳуқуқлари халқаро муносабатларда сўнгги ярим аср давомидагина муқаррар мақомга эришди. Иккинчи жаҳон урушидан олдин ҳатто Россияда яҳудийларга қарши урсулар каби оммавий тўполонлар ҳам илтифотли норозилик баёнотномалари билан қарши олинар эди. Бу фожиага нисбатан камроқ зўравонлик ҳоллари эса, одатда, дипломатик музокараларда асосий мавзу сифатида ҳатто муҳокама ҳам қилинмасди.

Бироқ ҳукумат ўз (территорияси) ҳудудларида ўз фуқароларига қандай муомала қилиши суверен ички адлия масаласи сифатида кўрилади. Дарҳақиқат, айрим давлатлар ва халқаро ҳамжамият бундай масалаларга аралашмаслик борасида халқаро ҳуқуқий мажбурият олган деб қараларди. Ҳатто, миллатлар лигасининг «иде-алистик» сифатда маълум моддаси ҳам инсон ҳуқуқларига халқаро ҳуқуқ мақоми беришга уринишлари чипакка чиққан эди.

**Холокостдан совуқ уруш сари:** Холокост, яъни Германия нацистлари Европадаги яҳудийларни мунтазам равишда қириши инсон ҳуқуқлари масаласи халқаро муносабатларнинг диққат марказига қўйди. Нацистларнинг ваҳшийликларидан қарахт ҳолга тушган халқаро ҳамжамият уларни қоралаш учун ҳуқуқий ва сиёсий ибораларда танқислик сезди. Уз фуқароларига нисбатан қирқинбарот ҳоллари халқаро ҳуқуқшуносликда жиноят сифатида кўрилмасди. Уруш олиб бориш қонун-қоидаларига биноан Германия ҳукумати ишғол этган ҳудудлардаги фуқароларга нисбатан муомаласи учун айбланиши мумкин эди, бироқ германияликларни ўлдиргани учун ўз суверен ҳуқуқи асосида иш юритади. Давлат манфаатларини давлат қудрати нуқтаи назаридан белгиланган анъанавий «реалистик» дипломатия хорижийларга ваҳшийларча муносабатда бўлиш бирон реал манфаатга таҳлика туғдиради деб айтолмайди.

Уруш жиноятчилари устидан утказилган Нюрнберг трибунали (1945-1946) инсониятга қарши жиноятлар бўйича айб қўйиш тажрибасини жорий этди. Аввалига расмий давлат арбоблари давлатларга қарши эмас, балки айрим фуқароларга нисбатан жиноят содир этгани учун халқаро ҳамжамият олдида масъул этилди. Айрим фуқаролар деганда ҳам, кўп ҳолларда хорижийлар эмас, балки ватандошлар тушунилди. Бироқ айнан Америка Қўшма Штатларида инсон ҳуқуқлари аслида халқаро муносабатларнинг бир қисми тариқасида зуҳур топди.

Инсон ҳуқуқлари 1945 йили қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида муҳим ўрин эгаллади.

**(Боши ўтган сонларда).** **(Давоми бор).**

## ҚАЛҚОН ТИШЛАР

Флорида штатининг Форт-Пирс шаҳрида яшовчи 66 яшарлик қарияни ҳудо асради, бир ўлимдан қолди. Ричард Дэниэл тоза ҳавода нафас ростлаб уйининг дарвоза олдида ўтирарди. Чол ўтган-кетганни кузатиб ўтирувди. Тўсатдан тумшуғи тагида ўспирин йигитча пайдо бўлди. «Чиқар, ё пешонангдан дарча очайми?» Безори тўппончасини қариянинг нақд томоғига тиради. Ричард довдираб, нари итарувдики, у тепкини босди. Тўппонча сирғалиб чолнинг иягига тушди шекилли, ўқ оғзига, аниқроғи тишларига тегди.

Нима бўларди, отахон оламдан ўтгандир-да, дерсиз. Йўқ, агар айтиш мумкин бўлса, муъжиза рўй берди. Тишлари ясама экан. Ўқ тиш қопламасига «урилиб» қайтганмиш! Ричард Дэниэл енгил жароҳатланди, холос.



*Хазонрезги.*

*Тақдир ҳазили*

## АЛАМИДАН ОТИБ ҚЎЙДИ

Аргентиналик Рауль Нахар таниқли спорт менеджери. Сан-Никос шаҳрида бўлиб ўтаётган бокс мусобақасида енгил вазнли спортчи Альберто Мориллонинг қўли баландлиги яққол сезилиб қолди.

Менеджер спортчисининг енгилаётганини кўриб ғазабидан ўзини босолмай қолди. Ўрнидан сакраб туриб, икки хатлашда рингга чиқди. Рақибни шартта отиб қўйди.

Эндиликда полиция 52 яшарлик менеджерни қотилликда айбламоқда. Ким билади, балки Рауль Нахар азбаройи бокс-чисига ғамхўрлигидан фожиага йўл қўйгандир.

Нима бўлганда ҳам қонун-қонунда. Жиноят жазосиз қолмайди.

## СИЁСИЙ ИҚЛИМ

* * *

***Яқин кунларда Тожикистонда БМТ вакилларини кўриклаш, уюшган жиноятчиликка ва ноқонуний қуролли тўдаларга қарши кураш учун алоҳида махсус ҳарбий гуруҳ тузилади, дея хабар беради «Интернет». БМТ Бош котибининг Тожикистондаги махсус вакили Дитрих Мерремнинг айтишича, бу гуруҳ 120'200 кишидан иборат бўлади ва мудофаа вазирлигига бўйсунади. Махсус гуруҳ мамлакат мудофаа тизими ва бирлашган тожик мухолифати қўшинларидан таркиб топади.***

* * *

***БМТнинг Афғонистондаги фуқаролар урушига нисбатан сиёсати ўзгарди, дея маълумот беради «Интернет». БМТ бундан буён мазкур мамлакатда тинчлик ўрнатиш учун кўп йиллар давомида бўлгани каби қарамақарши томонлар билан эмас, Афғонистонга таъсир ўтказа оладиган давлатлар билан ҳамкорлик қилади. Бу аввало Марказий Осиёнинг мустақил давлатлари, Россия, АҚШ, Хитой, Эрон ва Покистон давлатларидир.***

* * *

***Буюк Британия ҳукумати Аргентина Президенти Карлос Менемани келаси йилда расмий ташриф билан Лондонга келишга таклиф қилди. Бу ташриф 1982 йилда Фолкленд (Мальвин) оролларини сабабли бўлиб ўтган қуролли можаролардан кейинги биринчи расмий ташриф бўлади.***

***Бу учрашувга ҳозир ҳар икки томон ҳам жиддий тайёргарлик кўрмоқда.***

* * *

***АҚШ мудофаа вазири Уилям Коэннинг баёнот беришича, Оқ уй маъмурияти келаси йилги давлат бюджетидан Исроилга ҳарбий ёрдам тариқасида 1,8 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратадиган бўлди.***

***Бу маблағ Исроил қуролли кучларини замонавийлаштиришга сарфланади.***

* * *

***Америка Қўшма Штатларида ўтган ҳафтада бир неча суд жараёнлари бўлиб ўтди. Уларнинг бирида, Техас штатининг Олпин шаҳар суди «Республика Техас» гуруҳи раҳбари Ричард Макларенни 99 йилга, унинг ёрдамчиси Роберт Оттони эса 50 йилга озодликдан маҳрум қилди.***

***Бу жиноятчилар сепаратизм ва уюшган жиноятчиликда айбланиб, апрель ойида қўлга олинган эди.***

* * *

***Европада йирик саноат концерни тузилди: Германиянинг икки компанияси «Тиссен» ва «Крупп» бирлаштирилди.***

***Келажакда бу «Суперконцерн»нинг йиллик даромади бир неча ҳиссага ортиши кутилмоқда. Маълумки, бу компаниялар асосан маиший техника жиҳозлари ва телекоммуникация маҳсулотларини ишлаб чиқаради.***

# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

## ДУШАНБА, 10

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Дуппи».
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 Тўлқин. «Қайнар ҳумча». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари»
10.40 Туркон Шарой «Мине» фильмида.
12.05 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги намунали оркестрининг концерти.
12.45 «Жавоҳирлар бустони». Адабий кўрсатув.
13.20 «Ҳутикнинг хомушлик касалига чалингани». Мультфильм.
13.30—14.00 Телевизион миниатюралар театри.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тақа». Мультфильм.
18.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Суғдиёна» (Жиззах). Ёзиб олинган.
19.05 «Олам ва одам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.25, 23.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бадиий жамоаларининг концерти.
22.10 «Амир Темур изидан». 1-қисм.
22.30 «Келин-қуёв». Телешоу.
23.10 «Бархаёт наволар». Ҳожихон Болтаев.
23.45 «Ахборот».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.05 Кундалик.
22.15 «Спорт қитъаси».
23.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
24.00—00.10 Кундалик.

III
17.55 Янгиликлар.
18.00 «Гарри — қор одам». Телесериал.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
18.20 — 21.35
*
21.35 «Кругозор». Тележурнал.
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
22.00 — 22.25
*
22.25 Эълонлар.
22.30 «Табассум», «Мулоқот». Қисқа метражли фильмлар.
23.20 — 23.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.45 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид».
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Рақурс».
20.45 «Узоқ ва яқин Япония».
21.05 «Авторейд».
21.15 «Спектаклдан сўнг».
21.50 «Ҳаёт ташвишлари». Бадиий фильм.
23.15 «Спорт-тайм».
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!»

## СЕШАНБА, 11

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бадиий жамоаларининг концерти.
9.25 Биржа ва банк хабарлари.
9.40 «Олам ва одам».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Дилқаш суҳандон».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Табиатшунослик.
11.00 Инглиз тили.
11.30 «Мария, Мирабелла Транзисторияда». Бадиий фильм.
12.40 «Спорт масканларида».
13.00 «Кичкинтой» устахонаси.
13.20 «Келин-қуёв». Телешоу.
14.05—14.35 «Бархаёт наволар». Ҳожихон Болтаев.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.30 «Шеърият ва мусиқа».
19.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хисобини билганлар».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «XXI аср бусағасида».
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ фестивали совриндори Рустам Мамадалиев.
21.55 «Амир Темур изидан». 2-қисм.
22.15 «Солиқ ва назорат».
22.35 «Саҳна ҳаёти».
23.05 «Волидангни рози қил». Мусиқий композиция.
23.50 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Олтин кент».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табиат дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ХИФ».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20 «Бизнинг авлод».
23.35 «Акс».
23.55—00.05 Кундалик.

III
17.55 Янгиликлар.
18.00 «Гарри — қор одам». Телесериал.
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
7.30—9.00
18.20 — 21.35
21.35 «Куйла, дутор». Фильм-концерт.
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
22.00 — 22.25
*
22.25 Эълонлар.
22.30 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув.
23.05 «Чавандоз Зариповлар». Телефильм.
23.30 — 23.50 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05, 22.10 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.25 Мусиқий дақиқалар.
20.30 Ўзбекистонда Украина маданияти кунларига. «Ажойиб Украина».
20.55 «Очиқ дарс».
21.25 «Уйингох».
21.50 «Долзарб репортаж».
22.15 Мусиқий дақиқалар.
22.20 Польша Республикаси Мустақиллик кунига. «Польшага назар».
22.50 «Қўҳна Бухоро ҳикматлари: мерос, қадрият ва тушунчалар».
23.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

## ЧОРШАНБА, 12

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ фестивали совриндори Рустам Мамадалиев.
8.50 «Ҳамкорлик ришталари».
9.05 «Гулгунчалар».
9.25 «Авлод».
9.45 «Жаҳон бозорига йўл».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Умумий биология.
*
12.00 «Тақдири азал». Бадиий фильм.
13.05 «Спортимиз фидойилари». Юсуф Тошмаматов.
13.20 «Уч қурбақа». Мультфильм.
13.30—14.00 «Саҳна ҳаёти».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Чорраҳа».
18.30 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.35 «Жамоат ташкилотлари: маслак ва мақсад».
18.55 «Шарқ тароналари». 26-кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15, 23.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Автоолам».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳа-ларида».
21.20 «Бухорои Шариф».
21.40 «Бастакор илҳоми».
22.20 «Амир Темур изидан». 3-қисм.
22.35 «Ўзбекистон ва жаҳон».
22.50 «Оҳангга тўлсин диёр». Эстрада концерти.
23.25 «Ахборот».
23.50 «Нотаниш дил суҳбати».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.35 «Мусиқий шарқ».
18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
18.55 «Услуб».
19.05 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
20.20 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
17.55 Янгиликлар.
18.00 «Гарри — қор одам». Телесериал.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.35
*
21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
22.00 — 22.25
*
22.25 Эълонлар.
22.30 «Шаҳар дарвозалари». Саргузашт фильм (АҚШ).
23.55 — 00.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Безнен мирас».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Парвоз».
20.30 «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури: Мутаҳассис».
20.50 «Автосалтанат».
21.00 «Ҳаёт карвони».
21.30 «Азизим».
22.05 «Ўзбекистонда Украина маданияти кунларига. «Киев архитектураси».
22.30 «Мезон».
23.00 «Нафосат гулшани».
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!»

## ПАЙШАНБА, 13

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Бастакор илҳоми».
9.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.30 «Шарқ тароналари». 26-кўрсатув.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Компьютер сабоқлари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Кимё.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Зоология.
*
12.00 «Қочоқ велосипед». Мультфильм.
12.10 «Оламни асранг».
12.30 Ўзбек куйларидан концерт.
13.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
14.05—15.40 Юсуф Азимзода. «Еш Насриддиннинг ғаройиб саргузаштлари». Шаҳрисабз шаҳар халқ театрининг спектакли.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учкунлари». Тележурнал.
18.35 «Ҳидоят сари».
18.55 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.10, 23.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қонун ва биз».
21.35 Ҳожи Абдулазиз Расулов номидаги 1-Республика ёш ҳонандалари кўрик-танлови олдидан. «Устозлар изидан...»
22.15 «Амир Темур изидан». 4-қисм.
22.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Зарафшон» (Навоий). Ёзиб олинган.
23.20 «Ахборот».
23.45 «Битик». Адабий-маърифий кўрсатув.
00.10 «Муҳаббатга талпинган юраклар». Киноконцерт.
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

II
9.00 «Болалар дунёси».
9.15 «Мультипанорама».
9.35 «Турфа олам».
10.00 «Нафосат».
10.10 «Бу мунис лаҳзалар».
10.35 «Жаранён».
10.45 «Изҳор».
11.10 «Даллас». Телесериал.
12.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш ўйинлари.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Қатрада қуёш».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.10 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Муносабат».
21.35 «Сўз ва соз оҳанглари».
22.05 «Иймон».
22.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 «Кино жавонидан».
00.25—00.35 «Даракчи».

III
17.55 Янгиликлар.
18.00 «Гарри — қор одам». Телесериал.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
22.00 — 22.25
*
22.25 «Охирги романс». Бадиий фильм. 1-серия (Испания).
23.35 — 23.55 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.05 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «02» тўлқинида.
20.05 «Тасвир-97». Танлов якунлари.
20.30 «Эллада».
20.55 «Интерспорт».
21.10 «Компьютер ревю».
21.25 «Каталог».
21.40 «Янги иқтисод».
22.00 «Орхидея» вилласи». Бадиий фильм.
23.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!»

## ЖУМА, 14

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Мусиқа бустони». Телеальманах.
8.40 «Юзма-юз».
9.00 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
9.25 «Бир том остида». Мультфильм.
9.40 «Остонаси тиллодан».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Мактабимиз — фахримиз».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 Немис тили.
11.30 Физика.
*
12.00 «Бозор рақобати — сифат кафолати».
12.20 «Ҳидоят сари».
12.40 Ҳожи Абдулазиз Расулов номидаги I Республика ёш ҳонандалари кўрик-танлови олдидан. «Устозлар изидан...»
13.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» (Фарғона) — «Насаф» (Қарши). Ёзиб олинган.
14.05—15.05 «Сайқал». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Орзулар қанотида».
18.25 «Шеър ва шуур».
18.35 «Озод ва обод юрт».
18.55 «Шарқ тароналари». 27-кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сиҳат—саломатлик».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Маърифатнома».
22.05 Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллиги олдидан. «Мусиқий хазина».
22.45 «Амир Темур изидан». 5-қисм.
23.05 «Меҳр макони».
«Мунаввар дунё».
Маърифий-дам олиш дастури:
23.25 «Олам».
23.45 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 13-қисм (Миср Араб Республикаси).
00.30 «Ахборот».
00.55—01.00 Ватан тимсоллари.

II
9.00 «Эркатой». Болалар учун дастур.
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Бир жуфт қўшиқ».
9.45 «Билиб қўйган яхши».
9.55 «Қатрада қуёш».
10.10 «Дубляж».
10.25 «Сир».
10.40 «Муносабат».
11.15 «Сўз ва соз оҳанглари».
11.45 «Иймон».
12.15—13.55 «Кино жавонидан».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан».
18.35 «Нозик муъжиза».
18.45 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
19.00 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.10 «Эртага — шанба».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ёқимли иштаҳа».
20.05 «Сизлардан ишорат».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мусиқа ва рақс».
21.15 «Ривоят».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 «ТВ-2. Диско».
23.30 «Бокс, бокс, бокс».
23.45 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.35—00.45 «Даракчи».

III
17.55 Янгиликлар.
18.00 «Гарри — қор одам». Телесериал.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
7.30 — 9.00
18.20 — 21.35
21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
22.00 — 22.25
22.25 Эълонлар.
22.30 «Охирги романс». Бадиий фильм. 2-серия.
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.35 Эълонлар.
19.05 «Умид чечаклари».
19.25 «Рангинкамон».
19.55 «Ўй остонадан бошланади».
20.25 «Палитра».
20.45 «Жума куни, иштан сунг».
21.15 «Шарқ дарвозаси».
21.40 «Алишер Навоий». Бадиий фильм.
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!»

## ШАНБА, 15

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Халқ иҳодиёти».
8.55 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 13-қисм.
9.40 «Шоҳрўҳ» клуби.
«Ешлик» студияси намойиш этади:
10.00 «Ҳамроҳ».
11.30 «Сени Ватан кутади».
10.50 «Эҳзоз».
11.10 «Шарқ тароналари». 27-курсатув.
11.40 «Бегоналар кириши мумкин эмас... мумкин». Бадиий фильм.
12.55 «Нуроний». Тележурнал.
13.20 «Ўйла! Изла! Топ!» Телебеллашув.
14.05—15.05 «Маъноварт». Видеоканал.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Саҳнат ғунчалари».
18.30 «Кўеш юрти», «Билдирсой». Ҳужжатли фильмлар.
18.40 «Кишлоқ ҳақида ўйлар».
19.00 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Жаҳон спорти.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Шийпондаги учрашувлар». Сурхондарё вилояти дала меҳнатқашлари ҳузурида.
21.30 «Амир Темур изидан». 6-қисм.
21.45 «Нафосат гулшани». Қизлархон Дўстмуҳамедова.
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
22.25 «Мусиқали саёҳат».
22.45 «Ҳазил».
22.55 Микель Плачидо «Шов-шув» фильмида. 1-серия.
00.25 «Мунажжим башорати».
00.30 «Тунги пойтахт таронаси».
II
9.00 «Бор эканда, йўқ экан..»
9.15 «Нозик муъжиза».
9.25 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
9.40 «Бизнес ҳафта якунлари».
9.50 «Ёқимли иштаҳа».
10.00 «Сизлардан ишорат».
10.20 «Мусиқа ва рақс».
10.35 «Ривоят».
10.45 «Кинонигоҳ».
12.15 «ТВ-2. Диско».
12.35—12.50 «Бокс, бокс, бокс».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.50 «Дилбарим».
19.05 «Глобус». Телеальманах.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Омонлик тилаймиз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таянч».
21.15 «ТВ плюс театр».
21.35 «Даллас». Телесериал.
22.25 «Мафтункор чехралар».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 «Интерфутбол».
23.20 Видео-«О».
00.55—01.05 «Даракчи».
III
17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.50 «Қўғирчоқбоз». Қисқа метражли телевизион фильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
18.15 — 22.00
*
22.00 Эълонлар.
22.05 «Жунгли қироли». Бадиий фильм. 1—2-сериялар (Ҳиндистон).
00.10 — 00.20 «Бобур». Телефильм.
IV
9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 Шанба эртаги. «Аладдин».
10.55 «Биргаликда кўйлайлик».
11.55 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
12.40 «Кросс-Роуз кафе»сига хуш келибсиз» («Америкага назар» кўрсатувига илова).
13.10 — 13.30 «Корейс тилини ўрганамиз».
***
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.45 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Далил ва шарҳ».
20.00 «Шанба оқшомида».
20.10 Болалар сўзлаганда.
20.15 «Рақслар қанотида».
20.45 «Ассалом, Франция!»
21.15 «Тақдирлар».
21.50 «Самодаги олмослар». Телесериал.
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.50 «Хит-коллекция».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!»

## ЯКШАНБА, 16

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».
11.30 «Олам». Кинокўрсатув.
11.50 «Қувноқ стартлар».
12.35 «Меҳрга йўғрилган оҳанг». Мусиқий кўрсатув.
12.55 «Идрок».
13.15 Экранда — кинокомедия. «Кавказ асираси».
14.30—15.30 «Болалигим — пошшолигим».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Иванко ва қарғалар шоҳи». Мультфильм.
18.10 Болалар учун. «Омад юлдузи».
18.40 «Шарқ тароналари». Якуний кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида» Мусиқий дастур.
21.45 «Спорт, спорт, спорт».
22.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кў

# O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 8 noyabr, shanba № 131 (22.214).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan



Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ


Шеър ва шуур

## ЁШЛИҒИМНИНҒ ДЎСТИ, АЗИЗ БИРОДАР

Усмон АЗИМ



### ШАВКАТ РАҲМОН ХОТИРАСИГА

1

Бу дунё — ёлғон дунё.
— Шавкат, айрилиқ ёмон...
— Айрилиқ — ёмон.
— Наҳот, бу дунё — ёлғон?
— Ёлғон... Ҳа, ёлғон!

— Шунчалар ёлғонмидир,
Дўсти хазонрез,
Бу дунёни тарк этдинг,
Ростни қўмсаб — тез.

Шавкат, айрилиқ ёмон...
— Айрилиқ ёмон...
— Наҳот бу дунё — ёлғон?
Ёлғон!.. Энг ёлғон!
— Ёлғондан — бир умрли
Дордан қочдингми?
Ростга ҳаммадан бурун
Қучоқ очдингми?

Наҳот, айрилиқ — ёмон?
— Усмон, кўп ёмон.
— Бу дунё...

— Ёлғон! Ёлғон!
Энг улкан ёлғон!
— Ҳижрон жондан ўтди, қайт...
— Усмон, энди кеч...
Ёмонга чидаш мумкин,
Ёлғонга-чи? Ҳеч!..

2

Ўттиз қушми? («Лисон ут тайр»),
Ё қирқ қушми? (Бу—энди достон!) —
Водийларни этолмас сайр...
Бир мен қолдим қушлардан омон.

Аммо ҳануз қоқарман қанот,
Уфқ сари гавдам чўзилган —
Қуш тилини тушунмас ҳаёт
Хавотирда боқар кўзимга.

Саф-саф учган қушларнинг сафи
Ботиб борар «Борса келмас»га...
Орзулардан ёдгорлик каби
Мен бир ўзим қолдим ўлмасдан.

Йўқ, Семурғлик этмади насиб!
Гарчи биздан сезгани йўқ хавф —
Чархнинг ўзи чангалин ёзиб,
Парвозларни этаётир маҳв.

Қандай учдик Ҳақ, сари, Шавкат! —
Ҳақиқатни тугиб кўнгилга,
Бошни эгиб худога фақат,
Таслим бўлиб фақат ўлимга.

3

Жонингга, қушим не хатар етди?
«Сўнг сафар они» деб қадар етди.
«Гар ўлим жонини олдию, бироқ
Парвози қолди» деб хабар етди.

1

Ўн саккиз минг олам

## ОДАМХЎР БАЛИҚ

Йиртқич балиқлар Узбекистоннинг сув ҳавзаларида ҳам учрайди, у лаққа балиқ ёки бошқача қилиб айтганда, сом деб ҳам юритилади.

1978 йили Қозоғистон Республикасининг Чордара тумани Боирқум қишлоғида илмий сафарда бўлган эдим. Қозоғистон ҳукумати қарорига биноан чўллар ўзлаштирилиб, дастлаб пахта экила бошлаган пайтлар. Боирқум қишлоғидан икки километр масофа ораликда Сирдарё оқиб ўтади. Дарёнинг чуқур ва ёйилиб оққан жойларидан янги ўзлаштирилаётган ерларни сув билан таъминлаш учун катта қувурлар ўрнатилган. Июль ойининг ўрталари, жазирама иссиқ. Шу пайт Боирқум қишлоғига Узоқ Шарқдан дам олиш учун келган оилавий сайёҳлар келиб қолишди ва чўмилишга шайланишди. Назоратчи бу ерда чўмилиш хавфли эканини уқтирса-да, улар беэътибор дарёга шўнғишди. Бироз чўмилгач, ота-она ва икки ўғил кийина бошлади. Ун беш ёшлар атрофидаги бола эса чўмилишни давом эттирарди. Бола ўзида йўқ қувонч билан чўмилар, онасининг панд-насиҳатларини ҳам унутганди. Бирдан дарёда, боланинг ёнгинасида пайдо бўлган катта лаққа балиқ уни нақ белидан тишладида, бола билан биргаликда сув остига шўнғиди. Дарё сатҳи қип-қизил қонга бўялди. Ота-онанинг алами, дод-фарёди Сирдарё қирғоғи бўйлаб тарали...

Мен воқеа билан қизиқиб, боирқумлик Саттор ака деган машҳур балиқчи билан суҳбатлашдим. У киши ўша мудҳиш воқеа юз берган жойдан бир неча йил бурун тўр билан жуда катта балиқни тутиб олганини, ун киши зўр-базўр юк машинасига юклашганини, оғирлиги эса 400 кг.га яқин чиққанини айтди.

Йиртқич лаққа балиқлар ҳақидаги яна бир воқеани Санкт-Петербург шаҳрида илмий конференцияда эшитдим. Ўшанда машҳур табиатшунос олимлардан бири Днепр дарёсида юз берган фожиали воқеа ҳақида шундай ҳикоя қилиб берган эди.

Янги оила қурган келин ва куёв дарёда сайр қилиш учун қайиқда сафарга отланишади. Бироздан сўнг келиннинг чўмилиси келиб, қайиқдан сувга сакрайди ва куёвга қайиқда унга етиб олишини илтимос қилади. Келин турли услуб билан дарёнинг энг чуқур жойигача сузиб боради, кейин чалқанчасига сув бетида бироз нафас ростлайди. Шу пайт сув бетида баҳайбат балиқ пайдо бўлиб, келиннинг бел қисмидан маҳкам тишлагунча сув тагига олиб кетади. Куёв даҳшатли воқеа юз берган томонга тикилганича қотиб қолади, ўзига келгач, эшкакни соҳил томонга буриб, чорасиз ҳолда уйи томон йўл олади...

Бўлган воқеалардан хабардор бўлган қишлоқ аҳли, узун, катта пишиқ тўр билан бир неча маротаба воқеа содир бўлган жойни айланишади ва ниҳоят тўрга балиқ илинганини сезишгач, кемани қирғоқ томон буриб, тўрни биргалашиб дарёдан тортиб олишади. Тўрга илинган баҳайбат лаққа балиқ яқинлашган биринчи кишини думи билан уриб йиқитади, ўз фарзандидан жудо бўлган аламзада ота қўлидаги уткир болта билан одамхўр балиқни бир зумда бўлак-бўлак қилиб чопиб ташлайди. Балиқ қорнидан эса никоҳ узуги чиқади.

Одамхўр балиқнинг узунлиги тўрт метрдан ошиқроқ, оғирлиги эса 420 килограммни ташкил этган экан.

Асқар ХОЛМЎМИНОВ.

*Vatanni sevmak iymondandur!*

## НОХУШ КУН

Фалакда рўй берди қандай ҳодиса,
Қайси кенгликларга юрагим боғлиқ? —
Қайси фазоларни айлаб андиша —
Менинг чап кўксимда қўзғолди оғриқ?
Қай фоже юлдузнинг учқуниман мен,
Қай юлдуз самодан ўзин ташлади?
Қай учган ёруғлик мушкулиман мен?
Оғриқ миям бўйлаб тўлқин бошлади.
Қандай дунёларга боғлиқдир жисмим,
Қай юксак имога аксу садоман,
Қайси пардаларда йўқолди изимим?—
Туну кун инграган сўнгсиз сатоман.
Эҳтимол бу оғриқ — беадад соғинч —
Унут чексизликнинг интиқ мактуби.
Мени руҳ бўлгин деб олисдан ёқиш,
Интизор чақириш — келгим, маҳбубим!
О, қандай гупирар томиримда қон!
О, Ширин жонимни заб этди зуғум!
Руҳ — аниқ — кўтарди вужудга исён,
Уни тилка-пора этмоқлик учун.
Нохуш кун! Хушлигинг бир менга аён!
Кўзимга кўрсатиб вайронлигимни,
Ёдимга туширидинг яна бу оқшом
Менинг бу дунёда меҳмонлигимни.

***

Эрксизликдан кичкинадир эрк,
Мудом мўъжаз оромдан исён.
Озод одам, куйма, озроқ чек,
Эркин одам, ўйқанма мудом!

Қандай савол бердинг оламга —
Бугунги эрк — эртаги қафас?...
Тўйиб ҳаво олган бадандан
Келмадими бўғзингга нафас?
О, Юракда оқмаётган эрк,
О, сўзларда такрор озодлик —
Ўртамизда қандай ёвлик берк?
Ўртамизда даҳшатли ётлик.
Эрксизликдан кичкинадир эрк —
Бу ҳақ калом.... Ўртанар дилим...
Эрксизликдан эрк кучсиздир деб
Рост айтмоққа айланмас тилим.

***

Икки юрак ўртасида армон бордир,
Топширганлар орасида ҳижрон бордир.
Кетган билан қолганларнинг ўртасида,
Ҳаёт яна ўлим — икки даврон бордир.

Сўфийликка борай десам, шуҳрат — девор,
Илҳом сари юрмоқликка меҳнат — девор,
Юрак, сенга бўлаб-бўлаб юрай десам,
Шодмонликка ўрганганман, заҳмат — девор.

Ҳақиқатга йўлни тортсам — хорлик турар,
Кўнгилимга бир дўст изласам — зорлик турар.
Аразим бор — «оғажон» деб қучолмайман,
Кечирмоққа бу дунёни торлик турар.

Қоғоз ва қалб ўртасида дард турадир,
Бу дардларга чидамоққа мард турадир.
Гар истадим, эй шоҳ, сенга дўст бўлмадим,
Чунки бизнинг орамизда халқ турадир.

Бу не бало, қандай тубсиз гуноҳкорман,
Васлингни бир кўрмоқликка, тангрим, зорман.
Йўл юраман, уринаман, етолмайман...
Ўртамизда чексиз даҳшат — ўзим борман.

***

Баҳор етди ҳар бир гиёҳга,
Дил дунёга боқди уйғониб —
Қуёш кулган яшил дунёда
Бораяпман мастдай тўлғониб.

Бораяпман соғиниб сени,
Сени сезиб борлиғим билан.
Қўкаришнинг зумрат ёлқини
Ёмғир ювган руҳимга тўлган.

Қушчаларнинг вижир-вижири...
Уқилмоқда қай сирли китоб!
Парвардигор, келар ғужурим,
Сенга етгим келади шу тоб!

Бахт борлиги ростдир дунёда,
Дил унутди ҳамма доғини.
Баҳор етди ҳамма гиёҳга,
Бораяпман сени соғиниб.

## БАҲОР

Шамоллар бағрида гуллар яйради,
Булутлар ўради тоғнинг белини.
Қўганда қўзилар чўзиб маъради —
Титради алағда қўйлар елини.
Оламда тириклик этди қўзғолон! —
Ўсмоқлик мажнундир, Гўлламоқ — лайли.
Майсалар қўшиқлар айтди безабон,
Бир бахтли довдираш — арилар сайри.
Келгин, бу беҳудуд мастоналикка,
Ёшлигимнинг дўсти, азиз биродар,
Дунёни кезайлик девоналикда
Булутга баробар, елга баробар.
Кўнгилга келганин ҳеч кимга айтма,
Қуёшдай чарақла ёшни арт пинҳон,
Ғуссали ўлтирма, кузакка қайтма,
«Ёшлигим мангу» деб ҳайқирган шодон.
Бир ёлғон, бир чиннинг пайтидир бу дам —
Тез адо этайлик етмасдан армон:
Фарзандларга дейлик: — Меҳмонмиз биз ҳам,
Оналарга дейлик: — Мангумиз мудом!
Олис тушлар каби тўкилди булут,
Шовуллаб ранг тушди, чалди бешқарсак...
Бошдан ололмадик оқ қорни юлиб,
Эриб кетмаймизми ёмғирда қолсак...

***

Шамол сочларида майсанинг бўйи,
Қуёш ёғдусида гуллар ҳиди бор.
Гуллаган бошини елкамга қўйиб,
Шу шеърни мен билан ёзишди баҳор.
Санқиган булутлар кезди фалакда,
Қуёш гоҳ бекинди, гоҳ сочди ёғду.
Ҳар сўзни битталаб узди юракдан,
Теграмни ўраган ям-яшил туйғу.
Миямнинг тош-метин зирҳни чақди —
Илиқ зиёларга ўралди онгим.
Нозик тўлғонишда кўзимга боқди...
Ишондим, баҳорим, сенга ишондим!
Ишондим, саратон асир олган пайт,
Мен сени чорласам армонда ўлиб,
Сувсиз чўлларимга борасанми, айт,
Ям-яшил, маст-аласт дунёга тўлиб?
Гуллаган бошини елкамдан олди,
Бир дам шеър ёзишдан тўхтади баҳор.
Зумрад оловларда қучоғи ёнди,
— У пайт соғинмайсан — саволинг бекор...
О, қачон бекинди уфққа қуёш,
Ё Кун тугадими — уфққа ботди?
О, Менинг елкамга тушган томчи ёш,
Юрагимга оқди... юракка оқди...

Намозшомқўнгилман
намозшомгулдай.
Очилдим
(ўзимдан!)
қуёш ботган он.
Очилдим —
дунёлар кирди бутунлай
руҳимга...
Тўлғонди азобларда жон.
О, сўзнинг туби йўқ —
етиб бўлмайди!
Дилимнинг чеки йўқ —
топилмайди сўз!
Қандайдир оғир дард аммо қўймайди —
қандайдир манзилни
кўриб турар кўз.
Бу кўзни кечиргин, эй чархи гардун,
юракнинг олдида айлагим таслим.
Ишон,
Кўз
кўрмоқни
тарк этар бир кун,
дил каби
сезмоқни айлайди расм.

***

Қандай атир бу
Қандай сиймбар.
Ёмғирга тун бўйи
Чўмилган саҳар.

Танига этди жо
Қанчалар яшин,
Баҳорги бу дунё
Порлар — ям-яшил.

Гуллаган боғларнинг
Ранги оқ, пушти...
Дарахт, тонг чоғлари
Гулларинг учди.

Учди фидо гуллар —
Енгил, беовоз:
Шундай тирик улар —
Тилга келмас роз.

Учди... Дунё боғи
Топмади озор.
Ҳолбуки, тонг чоғи,
Ҳолбуки, баҳор...



## ГОЛЛАР, ОЧКОЛАР, НАТИЖАЛАР

Футбол

Миллий чемпионатимиз ўйинлари охирлагани сари кураш тобора қизиб бормоқда. Сабаби, галвирни сувдан қутарадиган вақт яқинлашмоқда. Ҳадемай, совриндорлару олий лигани тарк этувчилар аниқ бўлади. Уттан шанба куни кечиктирилган ўйинлардан бири Наманганда бўлиб ўтди. Навбаҳорчилар «Пахтакор»ни қабул қилди. Учрашув тақдирини ўйиннинг тўртинчи минутида киритилган ягона тўп ҳал қилди. Майдон эгалари 1:0 ҳисобида устун келиб, учинчи ўринга асосий даъвогар эканлигини кўрсатди. Навбатдаги тур учрашувини ҳам «Пахтакор» сафарда ўтказди. Бу гал улар «Янгиер» меҳмони бўлишди. Қизиқарли ўтган беллашувда дуранг натижа қайд этилди 2:2. Пешқадам Марказий ҳарбий спорт клуби футболчилари ўз майдонларида «Косонсой»ни 2:0 ҳисобида енгишган бўлса, «Нефтчи» ҳам бўш келмади. Улар зарафшонликларни маглубиятга учратди 4:1.

Олий лигада ўз ўйини билан мухлислар назарига тушаётган жамоалардан бири «Сурхон»дир. Улар пойтахтнинг «Чилонзор» жамоасини 3:2 ҳисобида маглубиятга учратдилар. Энди жадвалнинг қуйи погонасида турган чилонзорликларнинг аҳволи янада оғирлашди. «Навбаҳор» ҳам навбатдаги турда уч очкодан маҳрум бўлди. Андижонликлар наманганликлар дарвозасига жавобсиз икки тўп киритишди. Турнир жадвалида ҳамон МҲСК пешқадам. Улардан тўрт очко ортда бораётган «Нефтчи» иккинчи ва «Навбаҳор» учинчи ўринда бормоқда. Қуйи погонада эса «Афросиёб», «Чилонзор», «Янгиер» ва «Атласчи» жамоалари боришмоқда.

Ҳозир кўпчиликни бир савол безовта қилаяпти. Қайси жамоа мамлакат чемпиони бўлади? Сўнгги тур учрашувлари бу саволга жавоб беради, шекилли.


«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД»
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
ПОЛИПРОПИЛЕН УН ҚОПЛАРИНИ (50 кг) ва
СЕЙФЛАРНИ СОТАДИ



Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси,
Марказ - 1, 38-уй, 187-хонадон.
Мўлжал: «Электроника» магазини,
Телефон: (3712) 133-40-07,
132-14-25, 132-14-34.

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М. МИРФАЙЗИЕВ, навбатчи А. ОМОНБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0731

Босишга топшириш вақти – 21.00.
Топширилди – 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА